

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

356 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 2014 йил 1 январдан жорий этилганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 8 июль,
ПФ-4631-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2014 йил 8 июлдаги
ПФ-4631-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сонли Фармони 3-бандининг иккинчи ва олтинчи хатбошиларида «республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари» сўзлари «туман ва шаҳар бюджетларининг маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» 1996 йил 31 декабрдаги ПФ-1692-сонли Фармонида:

а) 3-бандининг биринчи хатбошидаги «республика бюджетидан» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 4-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги ПФ–1913-сонли Фармонининг 10-бандидаги «давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1998 йил 4 февралдаги ПФ–1923-сонли Фармонида:

а) номланишидаги «республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандининг учинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари жамғармаларга» сўзлари «мақсадли давлат жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1998 йил 23 апрелдаги ПФ–1990-сонли Фармонининг 1-бандида «маҳаллий бюджет» сўзлари тегишли равишда «туман ва шаҳарлар бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармонининг 2-бандидаги «республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек қўшма бюджетда ҳисобга олинган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланган муассасаларнинг» сўзлари «бюджет ташкилотлари ва бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан тегишли равишда молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 28 июндаги ПФ–2331-сонли Фармони 3-бандининг олтинчи хатбошидаги «бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар» сўзлари «Давлат бюджети ҳамда мақсадли давлат жамғармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сар-

мояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ–2598-сонли Фармони 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари жамғармаларга» сўзлари «мақсадли давлат жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 мартдаги ПФ–3047-сонли Фармони 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар» сўзлари «Давлат бюджети ҳамда мақсадли давлат жамғармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ–3154-сонли Фармони 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «(республика ва маҳаллий бюджетлар)» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 23 декабрдаги ПФ–3367-сонли Фармони 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «маҳаллий бюджетларга» сўзлари «вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 25 майдаги ПФ–3434-сонли Фармонида:

а) 1-иловадаги «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-иловадаги «маҳаллий бюджет» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловадаги «маҳаллий бюджет» сўзлари «тегишли шаҳар бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловадаги «маҳаллий бюджет» сўзлари «тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 4 апрелдаги ПФ–3592-сонли Фармонида:

а) 1-бандида:

тўртинчи хатбошидаги «ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари шакллантирилиши ва ижро этилишини, уларнинг балансланишини мунтазам таҳлил этиш ва назорат қилиш, маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юкла-

тилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларга реал молиявий маблағлар ажратиб бериш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, барча даражалардаги бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш»;

олтинчи хатбошидаги «республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам» сўзлари «бюджет тизимининг барча бюджет даражаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари жамғармалар — Республика йўл жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Қишлоқ хўжалигини аванслаш жамғармасининг Давлат бюджети таркибида йиғиладиган маблағлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Хукуматнинг кафолати» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат кафолати» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ назорат, мониторинг ва таҳлилий функцияларни амалга оширади, шу жумладан:

макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларини шакллантириш жараёнларини, уларнинг қонун талабларига мувофиқлигига риоя этилишини тизимли ўрганиш;

Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек навбатдаги йил учун асосий солиқ ва бюджет сиёсати йўналишлари бўйича хулоса бериш;

Давлат бюджети ҳамда мақсадли давлат жамғармаларининг бюджетлари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни баҳолаш ва ташқи аудитни амалга ошириш, улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулосалар тақдим этиш;

Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджети даромад қисмининг ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш;

бюджет тизимининг бюджетларига тушаётган қўшимча маблағлар захирасини аниқлашга йўналтирилган ёқилғи-энергетика комплекси, истеъмол бозори соҳалари, савдо, қурилиш ва бошқа даромад келтирувчи тармоқлар корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш;

маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг минтақалар ва умуман жамиятни ривожлантиришдаги ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатда мақбулликка эришиш бўйича таклифларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, маҳаллий бошқарув органлари

томонидан даромадларни шакллантириш ва маблағларни сарфлаш масалалари юзасидан текширишларни амалга ошириш;

умуман бюджет тизимининг бюджет даромадлари шаклланишини ва маблағлар сарфланишини моддалар, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича текшириш ҳамда назорат қилиш;

давлат маблағларининг тармоқлар ва корхоналар бўйича мақсадли ва самарали ишлатилиши юзасидан текширишлар ўтказиш, улардан фойдаланишда суиистеъмолчиликлар ва қонун бузилишларига йўл қўймаслик чораларини қўриш;

Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган давлат бошқаруви органлари томонидан бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва бошқа маблағлар сарфланишини назорат қилиш;

қишлоқ ва сув хўжалигига қарашли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи, ирригация чора-тадбирлари ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратилладиган бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш;

бюджет тизими жараёнидаги оғишларни, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармалар даромадларининг шаклланиши, уларнинг маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишини текшириш ва назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларга маблағлар келиб тушиши ҳамда даромадлар шакллантирилишини, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таҳлил этиш ва назорат қилиш;

ўтказилаётган пул-кредит сиёсатини, миллий валютани мустаҳкамлаш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбуллаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш;

пул муомаласи соҳасидаги ҳолатни чуқур ўрганиш, банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш чоралари амалга оширилишини назорат қилиш ва баҳолаш;

валюта операцияси, экспорт ва импорт операциялари ўтказилишининг қонунийлиги, экспорт валюта тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушиши, шунингдек бюджет тизимининг бюджетларига товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортидан мажбурий тўловлар бўйича маблағлар тушуми устидан назоратни амалга ошириш;

мамлакат олтин-валюта захиралари тикланиши ва улар билан, шу жумладан қимматли металллар ва қимматбаҳо тошлар билан операциялар ўтқа-

зилишини назорат қилиш, нобудгарчилик ва суиистеъмолчилик каналлари ҳамда имкониятларига барҳам бериш мақсадида давлатнинг олтин-валюта захиралари ҳаракатига оид бутун жараённинг шаффофлигини таъминлаш;

ички ва ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисоботларни ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш, маблағлар ва олтин-валюта ресурсларини хорижий ва бошқа банкларда жойлаштириш ҳамда қайта жойлаштиришнинг самарадорлиги ва асослилигини назорат қилиш;

давлат қарзини самарали бошқариш бўйича мониторинг ўтказиш, уларга ўз вақтида хизмат кўрсатишни назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикасининг Давлат кафолати билан жалб қилинган хорижий кредит маблағларидан самарали фойдаланиш масаласи юзасидан кўргазмали текширишлар ташкил этиш;

давлат мулкани сотиш билан боғлиқ бўлган масалаларни таҳлил қилиш ва назоратини таъминлаш;

мақсадли давлат дастурларини самарали амалга ошириш ва тўлиқлигини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидаги маблағлари шакллантирилишининг қонунийлигини, мақсадли ва самарали ишлатилишини текшириш ва назорат қилиш;

молия органлари, жумладан хазина бўлинмалари томонидан бюджет тизимининг бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилиш функцияларини бажариш самарадорлигини таҳлил қилиш;

дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини аниқлаш юзасидан давлат мулки улуши бўлган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

Ҳисоб палатасининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ҳисоб палатасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, уларнинг асосида ҳисобот ва таклифларни тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритиш».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сонли Фармонининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қуйидагилар Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан стратегик ресурсларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

давлат мулкани хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларини шакллантириш чоғида ҳисобга олинган ҳажмлардан ортиқча тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг активларини бошқаришдан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг бўш қолдиқ маблағларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар».

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2006 йил 24 июлдаги ПФ-3780-сонли Фармонининг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Белгилансинки, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлиқ ўтказилиб, қўйидаги:

80 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

20 фоизи — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ҳудудларни ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантиришда мақсадли фойдаланиш учун йўналтирилади».

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармонининг 7-бандидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Фармонининг 3-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қўйидагилар Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг ҳар йили тасдиқланадиган асосий параметрлари доирасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи тушумларига тенг келадиган бюджет маблағлари;

мақсадли бюджет маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

махаллий ва хорижий грантлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эр-

кин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ–4059-сонли Фармони 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги ПФ–4434-сонли Фармонида:

а) 2-бандидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 1-илоvasи II бўлимининг 3-банди иккинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари жамғармаларга» сўзлари «мақсадли давлат жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сонли Фармонида:

а) 3-илоvasининг 11-банди «Солиқ ҳисоботлари шаклларининг номи» устунидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 3-илоvasининг 4-банди 4.3-кичик бандидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 30 августдаги ПҚ–165-сонли қарори 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «давлат ва маҳаллий бюджет» сўзлари «давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ–229-сонли қарорининг 3 ва 4-бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар бир тиббиёт

муассасасида Тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси негизида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилади. Қуйидагилар ҳар бир тиббиёт муассасаси учун мазкур Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

тиббиёт ташкилотлари учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;

фаолият ихтисослиги бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан келадиган даромадлар;

ҳисобот чорагининг охириги иш кунида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар бундан мустасно;

тиббиёт ташкилотининг балансида бўлиб, ижарага берилган мол-мулклар учун олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотларининг ихтиёрида қолдирилдиган маблағлар;

хайрия ишларидан тушган маблағлар.

4. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидагиларга:

вақтинча ишга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш ва мавжуд кредиторлик қарзларини узишга;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларига;

бюджет ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирларига сарфланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет ташкилотларига кўрсатган хайрия ишларидан тушган барча маблағлар, агар хайр-эҳсон қилувчилар томонидан бошқа шартлар қўйилмаган бўлса, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Жамғарма маблағларини тасарруф этиш учун ҳар бир тиббиёт муассасасида тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ва касаба уюшмаси ташкилоти вакилларининг иштирокида махсус комиссиялар тузилади».

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сонли қарори 9-бандининг тўртинчи хатбошидаги «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари билан тўлдирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПҚ–350-сонли қарорида:

а) 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, қуйидагилар ҳар ойда Жамғарма ҳисобига ўтказиб турилади:

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан стратегик ресурсларга

белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар;

давлат мулкани хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳисобга олинган ҳажмлардан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар»;

б) 4-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари унинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ҳисобварақларида хорижий валютада шакллантирилади»;

в) 2-илласида:

19-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан стратегик ресурсларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар;

давлат мулкани хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларини шакллантириш чоғида ҳисобга олинган ҳажмлардан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар»;

20-бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарманинг маблағлари унинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган ҳисобварақларида хорижий валютада шакллантирилади»;

23-бандида:

«д» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурлари доирасида тижорат банкларига хорижий валютада очилаётган кредит линиялари орқали инвестиция лойиҳаларини жадал молиялаштириш ҳамда амалга ошириш»;

«ж» кичик бандидаги «Ҳукумат қарорлари билан» сўзлари чиқариб ташлансин;

«к» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) Жамғарма бошқаруви ва ижро этувчи аппаратининг таъминоти билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашга».

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини

давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандида:

бешинчи хатбошидаги «республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «маҳаллий бюджет» сўзлари «туманлар ва шаҳарлар бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 38¹-бандида:

тўртинчи хатбошидаги «шахсий газначилик ҳисобварағи» сўзлари «газначилик шахсий ҳисобварағи» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда вилоятлар адлия бошқармаларининг газначилик шахсий ҳисобварақларидан — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига;

Инспекцияларнинг газначилик шахсий ҳисобварақларидан — туманлар ва шаҳарларнинг тегишли бюджетлари даромадига».

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 1 июндаги ПҚ–363-сонли қарорининг 7-бандидаги «Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар марказий касалхоналарининг шошилиш тиббий ёрдам бўлимларини Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида тиббий ускуналар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 19 июлдаги ПҚ–421-сонли қарори 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «маблағлар» сўзи «бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 29 августдаги ПҚ–456-сонли қарорининг 5-бандидаги «бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга» сўзлари «Давлат бюджетига ва мақсадли давлат жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ–460-сонли қарориди:

а) кириш қисмидаги «ва бюджетдан ташқари жамғармалар» сўзлари «мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мамлакат солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети

ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан Олий Мажлисга киритилади;

в) 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «ярим йиллик ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 4-бандидаги «ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган мақсадли давлат жамғармалари ва бошқа жамғармаларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик соҳасининг иқтисодий ночор корхоналарини сотиб олган ёки ишончли бошқарувга қабул қилган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 сентябрдаги ПҚ-474-сонли қарорининг 1-банди иккинчи хатбошидаги «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли қарорининг 2-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ижроси ва» сўзлари «бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган ягона газначилик ҳисоб рақамида бўлган Давлат бюджети маблағларини бошқариш»;

в) тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетларининг маблағлари ҳисобидан товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш»;

г) саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя этилишини таъминлаш».

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумтаълим мактабларининг намунавий штатларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 мартдаги ПҚ-609-сонли қарорида:

а) 3-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги Фазначилигининг худудий органлари» сўзлари «ғазначилик бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «бош бошқарувчиси» сўзлари «бошқарувчиси» сўзи билан алмаштирилсин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низомнинг 23-банди учинчи хатбошидаги «бюджетга, мақсадли давлат жамғармаларига ва Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «Давлат бюджетига ва мақсадли давлат жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сонли қарори 6- бандининг бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилик бўлинмалари» сўзлари «Ғазначилик бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сонли қарори 29-иловасининг 5-бандидаги «таълим муассасалари» сўзлари «умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 3 августдаги ПҚ–1167-сонли қарорида:

а) 5-бандида:

иккинчи хатбошидаги «тижорат банклари» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари қўшиб қўйилсин;

тўртинчи хатбошидаги «маҳаллий бюджетлар» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-бандидаги «таълим муассасалари» сўзлари «умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 10 августдаги ПҚ–1172-сонли қарорида:

а) 1-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ажратиладиган маблағлардан» сўзлари «ажратиладиган бюджет маблағларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-бандининг биринчи хатбошидаги «ва бюджетдан ташқари Таълим

ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уммон Султонлиги билан инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 сентябрдаги ПҚ–1197-сонли қарори 4-бандининг учинчи хатбошидаги «таълим муассасалари» сўзлари «умумтаълим мактаблари, касбухунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 октябрдаги ПҚ–1215-сонли қарорининг 10-бандидаги «жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 октябрдаги ПҚ–1216-сонли қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «жамғармалари ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «жамғармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги ПҚ–1292-сонли қарорида:

а) 5-бандидаги «жамғармалари ҳамда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига» сўзлари «жамғармаларига» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 8-бандининг биринчи хатбошидаги «ва Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Навоий ва Бухоро вилоятлари туман марказларини туташтирган холда ҳудудлараро Дамхўжа сув қувурини модернизация қилиш. Термиз шаҳрининг канализация тизимини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 16 апрелдаги ПҚ–1324-сонли қарори 11-бандининг биринчи хатбошидаги «ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш. 2-фаза» лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 3 майдаги ПҚ–1331-сонли қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ва Республика йўл жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қўқон ва Андижон шаҳарларининг сув таъминоти ва канализация тизимини ҳамда Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон туман марказининг сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 30 июлдаги ПҚ–1378-сонли қарори 10-бандининг биринчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва Республика йўл жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 12 августдаги ПҚ–1388-сонли қарорининг 9-бандидаги «зарур маблағлар» сўзлари «зарур бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сонли қарори 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «ҳар йили» сўзларидан кейин «бюджетдан» сўзи билан тўлдирилсин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 ноябрдаги ПҚ–1426-сонли қарори 4-бандининг биринчи хатбошидаги «ажратиладиган бюджет маблағлари» сўзлари «йўналтирилладиган бюджет ажратмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ–1432-сонли қарорида:

а) номланишидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-бандининг учинчи хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки

иштирокида «Тошкент шаҳар канализация тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 16 декабрдаги ПҚ–1443-сонли қарори 9-бандининг биринчи хатбошидаги «жумладан, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида» 2011 йил 7 февралдаги ПҚ–1475-сонли қарорида:

а) 2-бандида:

бешинчи хатбошидаги «давлат бюджети» сўзлари «бюджет тизимининг бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан давлат харидини амалга оширадиган барча ташкилотлар, бўлғуси харидлар тўғрисида товар (иш, хизмат)ларни етказиб берувчи ёки тендер (тендер савдолари) ўтказувчилар аниқланиши санасидан олдин 10 кундан кам бўлмаган муддатда махсус ахборот порталида эълон беришлари, шунингдек буюртмаларни жойлаштириш натижалари тўғрисида шартнома (контракт)лар тузилган кундан бошлаб уч кун муддатда ахборот беришлари шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

б) 2-илоvasида:

2-бандида, 5-бандининг иккинчи хатбошида, 6-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «давлат бюджети» сўзлари «бюджет тизимининг бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандининг учинчи хатбошидаги «бюджет ташкилотлари» сўзларидан кейин «ва бюджет маблағларини олувчилар» сўзлари қўшиб қўйилсин;

8-бандининг иккинчи хатбошидаги «давлат бюджети» сўзлари «бюджет тизимининг бюджетлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 20 майдаги ПҚ–1533-сонли қарорида:

а) 1-илованинг 2, 4, 5, 6, 8, 9 ва 11-бандлари «Молиялаштириш манбалари» устунидаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 11-банди «Молиялаштириш манбалари» устунидаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузурида Дизайн маркази ташкил этиш тўғри-

сида» 2011 йил 17 июндаги ПҚ–1554-сонли қарори 6-бандининг учинчи хатбошидаги «зарур маблағ» сўзлари «зарур бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сонли қарорида:

а) 5-бандининг тўртинчи хатбошида «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) 12-бандининг иккинчи хатбошидаги «маблағлар» сўзи «бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Толимаржон ИЭСида 500 кВ қувватли ОТҚга эга бўлган Толимаржон ИЭС — «Сўғдиёна» ПС 500 кВ юқори вольтли линия қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1609-сонли қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банкни ривожлантириш халқаро ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик-3)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 7 сентябрдаги ПҚ–1614-сонли қарорида:

а) 9-бандида «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) 10-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Буюк Британиянинг Кембриж университети иштирокида юқори технологиялар марказини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ–1631-сонли қарорида:

а) 10-бандидаги «маблағлар» сўзи «бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-бандида:

иккинчи хатбошидаги «ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йиллар даврида Фарғона шаҳри бош режасини амалга ошириш, ижтимоий ҳамда транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 15 ноябрдаги ПҚ–1641-сонли қарорининг 2-иловасида:

а) III бўлимининг «Молиялаштириш манбалари» устунда:

6 — 11, 20 — 28-бандларидаги «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

29 ва 30-бандлардаги «олий таълим муассасалари» сўзлари «олий ўқув юртлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) маблағ манбалари бўйича яқуний қисмида:

«Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида» 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ–1645-сонли қарорида:

а) номланишидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандининг биринчи хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция

қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «маҳаллий бюджетлар» ва «республика бюджети» сўзлари тегишли равишда «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 1-иловининг номланишидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 2-иловада:

номланишидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқариш Кенгаши» блоки «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқариш Кенгаши» блоки билан алмаштирилсин;

«Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш манзилли рўйхатлари параметрларининг бажарилишини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими» блоки «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш манзилли рўйхатлари параметрларининг бажарилишини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими» блоки билан алмаштирилсин;

«Таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш манзилли рўйхатлари параметрларининг бажарилишини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими» блоки «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш манзилли рўйхатлари параметрларининг бажарилишини таҳлил ва мониторинг қилиш бўлими» блоки билан алмаштирилсин.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сонли қарорининг 5-бандидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саудия тараққиёт жамғармаси ҳамда Қувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси иштирокида «Ғузур — Чим — Кўкдала» 4P87 автойўлини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 декабрдаги ПҚ–1671-сонли қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 5 январдаги ПҚ-1676-сонли қарори 7-бандининг биринчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 27 январдаги ПҚ-1694-сонли қарори 8-бандининг учинчи хатбошида «зарур» сўздан кейин «бюджет» сўзи қўшиб қўйилсин.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Андижон шаҳрининг канализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, Жиззах ва Хоразм вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 15 февралдаги ПҚ-1707-сонли қарорида:

а) 10-бандидаги «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) 11-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг заёмидан фойдаланган ҳолда «Қарши-Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 21 февралдаги ПҚ-1712-сонли қарори 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд автомобиль заводида автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 4 апрелдаги ПҚ-1736-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қамчиқ довони орқали ўтадиган «Тошкент — Ўш» А-373 автомобиль йўли участкасини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 12 июндаги ПҚ-1773-сонли қарори

6-бандининг биринчи хатбошидаги «ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Германия Федератив Республикаси Ҳукумати билан молиявий ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш. «Сурхондарёда минтақавий тиббиёт марказини реконструкция қилиш» компоненти» дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПҚ–1792-сонли қарори 9-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Электр энергиясидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 0,4 кВ истеъмолчиларининг электр энергиядан фойдаланишини ҳисобга олиш тизими» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПҚ–1795-сонли қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Ўзбекистон Республикаси онкология муассасаларини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 17 сентябрдаги ПҚ–1821-сонли қарорида:

а) 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-бандининг учинчи хатбошидаги «Таълим» сўзи «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 24 сентябрдаги ПҚ–1822-сонли қарори 9-бандининг иккинчи хатбошидаги «маблағ» сўзи «бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ–1843-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «бюджет жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар» сўзлари «Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, Хоразм вилоятини ободонлаштириш ва аҳолиси-

ни сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 6 декабрдаги ПҚ–1874-сонли қарорининг 2-илоvasида:

а) I бўлимнинг «Молиялаштириш манбалари» устунда:

1.1-кичик бўлимнинг 5 — 7-бандларидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.2-кичик бўлимнинг 1 — 8, 9-бандларидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.4-кичик бўлимнинг 1 — 13-бандларидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) якуний қисмидаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йил Рио-Де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида» 2013 йил 25 февралдаги ПҚ–1923-сонли қарорининг 1-илоvasи 29, 41 ва 47-бандларининг «Молиялаштириш манбалари» устундаги «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари «Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоро муҳандислик-технология институтини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 15 апрелдаги ПҚ–1954-сонли қарорининг 10-бандидаги «олий таълим муассасалари» сўзлари «олий ўқув юртлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Электр энергиясидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 0,4 кВ истеъмолчиларининг электр энергиядан фойдаланишини ҳисоб-

га олиш тизими» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 20 майдаги ПҚ–1969-сонли қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фосфорит хомашёси ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 майдаги ПҚ–1975-сонли қарори 4-бандининг учинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Пунган — Наманган» йўналишининг 0 — 75 км участкасида «Фарғона айланма йўли» 4P112 автомобиль йўлини реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 7 июндаги ПҚ–1981-сонли қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 18 июндаги ПҚ–1985-сонли қарори 12-бандининг учинчи хатбошидаги «бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари «Республика йўл жамғармасига ва бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тараққиёт асоциацияси (ХТА) иштирокида «Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2001-сонли қарорида:

а) 8-бандининг биринчи хатбошида «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари қўшиб қўйилсин;

б) 9-бандининг биринчи хатбошида «бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

80. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 20 сентябрдаги

ПҚ–2042-сонли қарори 4-банди иккинчи хатбошидаги «Таълим» сўзи «Умум-таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий географик ахборот тизимини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 сентябрдаги ПҚ–2045-сонли қарорининг 9-бандида «ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

82. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 10 октябрдаги ПҚ–2050-сонли қарорининг 10-бандида «зарур маблағлар» сўзлари «зарур бюджет маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

83. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йилги Дастури тўғрисида» 2013 йил 15 ноябрдаги ПҚ–2068-сонли қарорида:

а) 6-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг изоҳидаги 2-бандида «республика бюджети» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикасининг» сўзлари қўшиб қўйилсин.